Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 28 ИЮНЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (13.193)

Баҳоси эркин нархда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни – юртимиздаги барча журналистлар, телерадио, нашриёт ва матбаа соҳаси вакилларини 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурматим, эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Сизларнинг бу йилги касб байрамингиз Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида мутлақо янги давр – ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини очиб берган буюк тарихий воқеа – Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида ўтаётгани чуқур маъно-мазмунга эга, десам, ўйлайманки, барчангиз бу фикрга қўшиласиз.

Бу ҳақда гапирганда, ҳаётимизни тубдан ўзгартирган, халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилиб, топталган қадриятларимиз, дину диёнатимиз, ору номусимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш, фаровон турмуш ва ёруғ келажагимизни ўз қўлимиз билан қуришдек беқиёс имконият яратиб берган мустақиллигимизнинг қандай ноёб, олий ва бебаҳо неъмат эканини эл-юртимизнинг онгу тафаккурига сингдиришда, истиқлолимизнинг маънавий асосларини мустаҳкамлашда миллий матбуотимизнинг муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз яхши биламиз ва сизларнинг бу олижаноб хизматингизни юксак қадрлаймиз.

*Бу йилги мустақиллик байрамининг бош ғояси сифатида танланган "**Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган сўзлар замирида қандай теран маъно мужассам эканини сиз, азизлар яхши тушунасиз, албатта.*

Бугунги қутлуғ айёмда Ватан учун жон фидо қилишни ўз ҳаётининг мазмуни деб билган, миллий матбуотимизга асос солиб, мустабид тузумнинг тазйиқ ва таъқибларига қарамасдан, "Маслак ва мақсадимиз – халқ манфаатига хизмат этмак" деган эзгу ғоя йўлида бутун борлиғини бағишлаган маърифатпарвар боболаримизнинг руҳи покларини, соҳа фахрийларининг номларини ҳурмат-эҳтиром билан эсга олишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Барчангизга яхши маълум, мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб юртимизда оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист касбининг нуфузини кучайтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган сиёсат изчиллик билан олиб борилмоқда.

Давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.

Муҳтарам дўстлар!

Тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бирбиридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги байрам муносабати билан бўладиган учрашувлар, суҳбат ва мулоқотларда ижодий жамоалар ва умуман, миллий журналистикамиз фаолиятини танқидий сарҳисоб қилиб, янги режалар, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар ҳақида фикр юритишимиз табиий, албатта.

Шу борада юксак касб маҳоратига эга журналистлар, таҳлилчи ва шарҳловчиларни, мухтасар айтганда, ўз касбининг ҳақиқий устаси бўлган мутахассисларни тайёрлаш вазифаси ҳамон долзарб бўлиб турибди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Айниқса, журналистларимизнинг ҳаётга чуқур кириб бориши, жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни туб моҳияти ва аҳамияти, керак бўлса, мураккаблиги билан очиб бериш, тараққиётимиз йўлида тўсиқ бўлиб турган муаммоларни дадил кўтариб чиқиш, мавзуга холисона ва ҳаққоний ёндашиш каби мезонлар матбуотимизнинг ўзгармас қоидаси ва принципи бўлиб қолиши даркор.

Бунинг учун аввало замон талабларига жавоб берадиган журналист кадрларни тайёрлаш, тегишли олий ўқув юртларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг савияси ва малакасини ошириш, таълим жараёнига энг илғор педагогик ва инновацион технологияларни жорий этиш бўйича амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур.

Шулар қаторида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг халқаро ахборот майдонига кириб бориши, дунёда ном қозонган нуфузли нашрлар ва медиакомпаниялар билан самарали ижодий алоқалар ўрнатиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни пухта эгаллаш алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳақда сўз борар экан, кейинги йилларда соҳа вакилларининг 700 нафарга яқини чет элларда малака ошириб келганини ижобий баҳолаб, биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишдаги ишларимизни изчил давом эттиришимиз зарурлигини албатта барчамиз яхши англаймиз.

Бугунги глобаллашув замонида, интернет асрида ахборот учун ҳеч қандай чегара йўқлиги, бу соҳада қандайдир "темир девор" қуриб бўлмаслигини кимгадир тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.

Жаҳон ахборот маконидаги бундай мислсиз интеграция жараёнлари бугунги юксак тараққиёт учун беқиёс имкониятлар очиб бераётганини эътироф этган ҳолда, ахборот оқими орқали афсуски, турли бузғунчи ғоялар, "оммавий маданият" кўринишлари ҳам ҳаётимизга кириб келаётганини инкор этиб бўлмайди. Улар ёшларимизнинг онги ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатаётгани, маънавий қадриятларимизга, авлодлар ўртасидаги ворисийлик анъаналарига беписанд қараш каби ҳолатлар ҳам ён-атрофимизда учраб туриши барчамизни ташвишга солмасдан қўймайди.

Шу ўринда бир фикрни яна бир бор таъкидлаб айтишга тўғри келади: маънавиятни асраш – инсонни, аввало ёш авлодимизни, келажагимизни асраш демакдир. Шундай экан, бир қарашда кўзга яққол ташланмайдиган бундай хавф-хатарларга қарши курашиш учун ҳаммамиз, аввало, сиз, муҳтарам оммавий ахборот воситалари ходимлари фикрга қарши – фикр, ғояга қарши – ғоя, жаҳолатга қарши – маърифатни қурол қилиб, қатъият билан иш олиб боришимизни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Қадрли дўстлар!

Бугун биз 25 йил давомида босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлимизга назар ташлар эканмиз, "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик, эртага қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган, халқимиз қалбида акс садо топган даъват аввало доимо ҳаётнинг олдинги сафларида бўлишга интилиб яшайдиган сиз, ҳурматли матбуот аҳлига дахлдор, десам, янглишмаган бўламан.

Мустақиллик арафасида ва мустақилликнинг дастлабки йилларида юртимизда қандай оғир ва таҳликали, озгина учқун чиқса, бутун республика ловуллаб ёниб кетадиган ўта хатарли ва қалтис вазият вужудга келганини эсга олайлик. Йигирма миллиондан ортиқ халқимизни боқиш учун омборларимизда бор-йўғи 22 минг тонна ун захираси қолганини, иқтисодий етишмовчилик ва қийинчиликларни, бизни турли фитна ва можаролар гирдобига тортишга қаратилган кўпорувчилик ҳаракатлари, ёвуз мақсадларни кўзлаган террорчилик хуружларини, мухтасар айтганда, халқимизни ўз танлаган йўлидан қайтаришга бўлган ғаразли уринишларни ва бундай машаққатли синовларни фақатгина мардлик ва матонат, сабр-бардош ва фидокорона меҳнат билан енгиб ўтганимизни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бошимиздан кечирган мана шундай мураккаб тарих сабоқларини одамларга, аввало ёшларимизга етказиш, уларнинг кўзини ҳақиқатга очиб бериш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас бурчимиздир.

Бир сўз билан айтганда, биз ёш авлодимизни бошлаган буюк ишларимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбияламоқчи бўлсак, ҳеч шубҳасиз, қандай оғир, шу билан бирга, шарафли йўлни босиб ўтганимиз, дунё ҳамжамияти тан олаётган юксак ютуқ ва марраларимиз тарихимиз солномасида ўчмас из қолдириши, халқимизнинг онгу тафаккурида муҳрланиши, миллий ғоямиз, мафкурамиз асосига айланиши шарт.

Бу вазифани биринчи навбатда ким маҳорат билан амалга ошира олади? Албатта, халқ манфаати, Ватан тақдирини қалбидан, юрагидан ўтказиб яшайдиган сиз, ҳурматли журналист аҳлининг даъваткор сўзи, ибратли фаолияти бу борада ҳал қилувчи ўрин тутади, деб ишонаман.

Эртанги кун ҳақида, энг муҳим ва устувор вазифаларимиз ҳақида гапирганда, ҳаммамиз яхши тушунамизки, ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, доимо янги-янги муаммо ва талабларни кун тартибига қўяди.

Шу маънода, бугун биз ўз олдимизга қўйган улуғ мақсадлар, хусусан, халқимиз ҳаётини янада фаровон ва обод қилиш, дунёдаги энг ривожланган, демократик давлатлар қаторига кириш, халқаро майдонда Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш бўйича 2030 йилга қадар белгилаб олган дастурларимизни амалга оширишда биз бутун халқимиз қатори сизларга, сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизга таянамиз.

Азиз дўстлар!

Журналист меҳнатининг нақадар машаққатли ва масъулиятли эканини чуқур англаган инсон сифатида мен, бугунги фурсатдан фойдаланиб, сизларнинг эзгу орзу-интилиш ва ташаббусларингизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёр эканимни, сизларни ўзимнинг энг яқин ёрдамчим ва маслакдошларим деб билишимни такроран айтмоқчиман.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, ижодий ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЯНГИ ИЖОДИЙ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг эзгу орзу-интилишларини ифода этадиган янги байрамлар, қадрият ва анъаналар шаклланди. Уларнинг орасида 27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни алоҳида ўрин тутади.

Чунки оммавий ахборот воситалари ходимлари – доимо ҳаёт билан ҳамнафас бўлиб яшайдиган, жонкуяр журналистлар, режиссёр ва операторлар, нашриёт ва матбаа соҳалари фидойилари меҳнатидан барчамиз деярли ҳар куни баҳраманд бўламиз. Телерадио каналлари, газета ва журналлар, интернет тармоғи орқали уларнинг қизиқарли ва ҳаяжонли материаллари билан танишганда қалбимизда бу олижаноб касб эгаларига нисбатан алоҳида меҳр ва миннатдорлик туйғулари пайдо бўлади. 27 июнь санаси ана шу меҳримиз, табрикларимизни билдириш учун имкон берадиган айём сифатида ҳаммамизнинг кўнглимиз, юрагимизга яқин байрамдир.

Бу йилги касб байрамининг Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик шонли санасига тайёргарлик ишлари қизғин паллага кирган бир пайтда ўтаётгани унга янада чуқур мазмун, файзу тароват бағишламоқда.

Шу йил 27 июнда Ўзбек Миллий академик драма театрида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан бўлиб ўтган байрам анжуманида ҳам бу фикрлар алоҳида таъкидланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган меҳнат фахрийлари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ў.Мирзаёров, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Андижон вилояти бўлими раиси Н.Саидов, "Жаҳон адабиёти" журнали ходими С.Алижонова ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил, босқичма-босқич ривожлантириш, унинг сифати ва самарадорлиги, таъсирчанлигини ошириш масаласи доим давлатимиз раҳбарининг диққат марказида бўлиб келаётганини таъкидладилар.

Миллий матбуотимиз вакилларининг мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгариш ва янгиликларни ҳаммамизга тезкорлик билан етказиш борасидаги шарафли ва машаққатли меҳнатига юксак баҳо берилиб, бугунги шиддатли замонда миллий журналистикамиз олдида турган долзарб вазифалар аниқ кўрсатилгани, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун беқиёс аҳамиятга эга бўлган бундай фикр ва ғоялар нафақат журналистика соҳаси, балки бутун жамиятимиз ривожи учун муҳим аҳамиятга эга экани тадбир иштирокчилари томонидан алоҳида қайд этилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН ТАРКИБДАГИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам давлат раҳбарлари,

Ҳурматли мажлис иштирокчилари,

Аввало, делегацияларга раҳбарларининг ШҲТнинг ўтган даврдаги фаолияти асосий якунлари бўйича билдирган фикрларини қўллаб-қувватлайман. **Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ташкил этилганидан буён ўтган 15 йил давомида ҳақли равишда нуфузли халқаро ташкилотлар қаторидан муносиб жой олди, барқарор тараққиёт, тинчликни мустаҳкамлаш, замонавий таҳдид ва хатарларга қарши курашиш, минтақавий ва глобал даражада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашнинг таъсирчан омилига айланди.**

Ўтган йиллар мобайнида ШҲТнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини шакллантириш бўйича миқёсига кўра улкан ишлар амалга оширилди, ташкилот таркибига кирадиган давлатлар ўртасида ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ҳамкорликни таъминлаш учун мустаҳкам институционал асос яратилди.

Шу билан бирга, биз бугунги кунда ён-атрофимиздаги дунё нақадар шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётганини, қарама-қаршилик ва можаролар кучайиб, жаҳон бозорларида беқарорлик ва мавҳумлик сақланиб қолаётганини, алоҳида ташвиш уйғотаётган халқаро терроризм, экстремизм ва тобора ёйилиб, тарқалиб бораётган радикализм кўлами хатарли тус олаётганини яхши англаймиз ва тасаввур қиламиз.

Минг афсуски, ҳозирги вақтда вужудга келаётган халқаро вазиятда **ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўрнига қарама-қаршилик ва рақобат кучайиб бормоқда. Бундай ҳолатни кўрмаслик, сезмаслик мумкин эмас.**

Биринчидан. Юзага келаётган бундай мураккаб шароитда ШҲТнинг Хартияси ва бошқа асосий ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган **очиқлик ва ҳеч қандай блокка қўшилмаслик** принципларига қатъий амал қилишимиз ва бундай ёндашувни янада мустаҳкамлашимиз ўта муҳим аҳамиятга эга. Вужудга келаётган минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда бундан кейин ҳам мафкуравий ва қарама-қаршиликка олиб келадиган ёндашувларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш даркор.

Иккинчидан. Ҳиндистон ва Покистонни аъзоликка қабул қилиш жараёнининг бошланишида ўз ифодасини топаётган ШҲТга аъзо давлатлар таркибини кенгайтириш бўйича амалга ошираётган йўлимиз, ҳеч шубҳасиз, ШҲТ ўз фаолиятида янги, янада мураккаб босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Биз барчамиз яхши тушунамизки, айрим давлатларнинг халқаро ва минтақавий тараққиётга доир долзарб масалаларга нисбатан турлича, баъзан бир-бирига мутлақо зид ёндашувлари ҳисобга олинадиган бўлса, биринчи навбатда, **ташкилот кун тартибидаги асосий масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда консенсус, яъни, умумий келишувга эришиш оғир ва қийин бўлади.**

Лекин бу борада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликлар ШҲТ Хартияси ва Тартиб-таомил қоидаларида мустаҳкамлаб қўйилган консенсус принципидан воз кечишни ҳеч қачон англатмаслиги зарур. **Амалда ўзини оқлаган бу принципга сўзсиз риоя этиш ташкилотимиз фаолияти самарадорлигига салбий таъсир кўрсатишга йўл қўймайди, унинг пароканда бўлиб кетиши, «манфаатлар бўйича гуруҳлар» пайдо бўлишига олиб келиши мумкин бўлган бахс ва келишмовчиликларни бартараф этади.**

Учинчидан. Қўшни Афғонистондаги вазиятга ҳам қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бу мамлакатда вужудга келаётган ҳарбий-сиёсий вазиятни ўзаро курашаётган томонлар ўртасидаги тўқнашувларнинг аста-секин чўзилиб бориши сифатида таърифлаш мумкин, агар аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, **бундай беқарорликнинг қўшни мамлакатлар ва минтақаларга ҳам ёйилиб кетишининг жиддий ва реал хавфи мавжуд.**

Афғон муаммосини ҳал этишдан манфаатдор томонларнинг аксарияти бундай вазиятдан чиқишнинг фақат битта йўли борлигини яхши англайди. Яъни, бу йўл **ўзаро кураш олиб бораётган асосий томонлар ўртасида тинчлик ўрнатиш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелиги остида сиёсий музокаралар ўтказишдан** иборатдир. Ҳукумат ва "Толибон" каби ўзаро курашаётган кучлар ўртасида музокаралар жараёнини қайта тиклаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада томонлар музокаралар жараёнини бошлаш учун олдиндан бирон-бир шарт қўймаслиги даркор.

Ҳеч шубҳасиз, донор давлатлар ва халқаро институтлар Афғонистонга бу мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол ва аҳолининг ҳаёт даражасини яхшилаш, энг муҳими, **таълим-тарбия ва маърифат соҳасида ёрдам бериш бўйича ўз мажбуриятларини тасдиқлаши зарур.**

Ўзбекистон, Афғонистон билан икки томонлама ўзаро ҳамкорлик принципига риоя этган ҳолда, коммуникациялар, жумладан, Афғонистонни ташқи дунё билан боғлайдиган Термиз – Мозори Шариф темир йўл тармоғини қуришга ўз ҳиссасини қўшмоқда, Афғонистонга, хусусан, Кобул шаҳрига электр энергияси етказиб беришни таъминламоқда.

Муҳтарам мажлис қатнашчилари,

Ташкилотнинг дастурий мақсад ва вазифаларига эришишнинг энг муҳим шартларидан бири иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатдир. Бизнинг ушбу йўналишдаги умумий вазифамиз **барча давлатларнинг манфаатларига мос келадиган, минтақа учун муҳим аҳамиятга эга бўлган иқтисодий ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш,** биринчи навбатда, транспорт коммуникацияси соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришни кўзда тутади.

Шу муносабат билан **Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин томонидан илгари сурилган "Буюк ипак йўли иқтисодий йўналиши"ни ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.** Мазкур ташаббусни унга жалб қилинган барча томонларнинг умумий ва ўзаро манфаатлари асосида муваффақиятли амалга ошириш мумкинлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Муҳтарам ҳамкасблар,

Сўзимнинг якунида бугунги атрофлича фикр алмашиш ва ҳамкорликдаги самарали ишимиз мамлакатларимиз ўртасида яхши қўшничилик, дўстлик ва шериклик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, амалий ва ишончли мулоқотни кенгайтириш имконини беради, деб ишонч билдирмоқчиман.

Эътиборингиз учун ташаккур.



2016 йилнинг 22 июнь куни узунлиги 123,1 километр бўлган Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва 19,2 километрлик Қамчиқ туннели муддатидан олдин – 32 ойда қуриб битказилди.

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЯНА БИР ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллик байрами шукуҳи билан яшаётган халқимиз, айниқса, "Олтин водий" аҳолиси ушбу улкан бунёдкорлик иншоотининг ишга туширилишини катта мамнунлик билан кутиб олмоқда. **ЎзА мухбирлари Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятидан** бир гуруҳ юртдошларимизнинг мазкур тарихий воқеа ҳақидаги таассуротлари билан қизиқди.

Ботиржон ТЕМИРОВ, Ўзбекистон Қаҳрамони, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи 1-технологик цехи механиги:

– Ҳар тонг осойишта ва файзли маҳалламиз бўйлаб қадрдон заводимга йўл олар эканман, меҳнатимиз қадр топаётган, манфаатларимиз устуворлиги таъминланаётган шундай озод юртда, саодатли замонда яшаётганимдан қалбим чексиз ифтихорга тўлади.

Мустақиллик йилларида биз илгари тасаввур ҳам қилолмаган, бугун ўзимизга ғурур бағишлаб, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган юксак марраларга эришаяпмиз. Шубҳасиз, бунинг замирида Мустақиллик деб аталмиш бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, Президентимиз раҳнамолигида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган оқилона сиёсати мужассам.

Ўзим ишлайдиган завод фаолиятидан қиёс. Мустақиллик йилларида бу ерда кенг қамровли реконструкция ишлари амалга оширилди: эски технологиялар замонавийсига алмаштирилди. Натижада нефть маҳсулотлари сифати тубдан яхшиланди, тури кўпайди, жаҳон бозорида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлди. Бугун дунёнинг 20 дан ортиқ давлатига маҳсулотларимиз экспорт қилинмоқда.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннели ишга туширилиши барча юртдошларимиз қатори Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ходимларини ҳам ғоят қувонтирди. Боиси, бу заводимизга ҳам мўмай фойда келтиради. Аввало, хомашёни ташиш харажатлари сезиларли даражада камаяди. Ишлаб чиқариш қуввати кескин ошади. Логистика хизмати сарфи арзонлашади, иқтисодиёт тармоқларидаги жозибадорлик ортади.

Ташиш даврида маҳсулотнинг экологик жиҳатдан тозалиги сақланади. Йўқотиш ва сифат ўзгаришларининг олди олинади. Ҳамкасбларимиз билан тушликдан кейин ўтириб, эринмай ҳисоблаб чиқдик. Қаранг, ҳозирги кунда Қамчиқ довонидан транспорт орқали ташишда 1 тонна маҳсулотнинг таннархи 41 долларга тушаяпти. Темир йўлнинг ишга туширилиши корхонамизнинг бу борадаги харажатларини салкам икки баробар камайтиради. Умуман, йилига 18,1 миллион тонна юкни ташиш мумкин. Ташиш муддати икки баробар камайиб, 8 соатни ташкил этади. Транспорт харажатлари 4 баробар қисқаради...

Дунёнинг бугунги манзарасини диққат билан кузатаётган инсон Аллоҳ назар қилган бундай бетакрор заминда – Ўзбекистонда яшашнинг ўзи улкан бахт эканини чин дилдан ҳис қилади. Мана бундай бунёдкорлик ишлари ғайратимизга ғайрат, умримизга умр қўшади.

Лолахон МУРОДОВА, Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги "Нурли обод" фермер хўжалиги раҳбари, "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳибаси:

– Аввало, ўзим бевосита гувоҳ бўлган бир воқеани айтай. Ҳали мустақиллик остонасида эдик. У пайтлари шаҳарга бориш учун қўшни республикаларни айланиб ўтишга тўғри келарди. Юк ташиш нари турсин, ҳатто йўловчиларни ўз манзилига эсон-омон элтиб қўйиш мураккаб масала эди. Шундай кунларнинг бирида пойтахтга бордим. Ҳақиқий йўл азобини кўрдим.

Юк машиналарига тонна-тонна мева-сабзавот ортиб, шаҳарга жўнатардиг-у, ўзимиз уйда "беталафот етиб бордимикан, чегарачилар юкимизни ўтказдимикан?", деган ҳадик билан юрагимизни ҳовучлаб ўтирардик.

Ҳозир йўлда келаётганда шу воқеани ёшларга гапириб берсам, ишонишмади. Аммо бу ҳақиқат. Биз бу кунларга осонлик билан эришганимиз йўқ. Мустақиллик ойдан тушган эмас! Унга етгунча, халқимиз қандай изтироб ва машаққатларни бошидан ўтказмади, дейсиз. Президентимиз Ватанимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ ягона ва яхлит темир йўл тизимини яратиш ғоясини илгари суришининг моҳиятида шу жиҳатлар мужассам!

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли ва Қамчиқ туннелининг очилиши халқимиз ҳаётида унутилмас тарихий воқеа бўлди. Озод юртнинг фуқароси сифатида ана шу тантанада иштирок этиб, улкан бунёдкорлик ишларини кўриб, кўзларимга қувонч ёшлари келди.

Мустақиллик шарофати, давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсати туфайли бир пайтлар орзу ҳам қилиб бўлмайдиган ютуқларга эришаяпмиз.

Ишлайман, эл-юртга наф келтираман, деган одамга барча шароит яратилган, имкониятлар мўл. Давлатимиз раҳбари фермерларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб турибди.

Хўжалигимизни ташкил қилаётганда унга "Нурли обод" деб ном бердик. Рост-да, агар муборак Истиқлол бўлмаганида, бугунгидек ер эгаси бўлиб, фаровон ҳаёт кечирармидик, элда обрў-эътибор топармидик, ҳар бир куниимиз нурафшон, манзилларимиз, кўнгилларимиз обод бўлармиди?

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши биз, фермерларни ҳам ғоят тўлқинлантириб юборди. Бундай улкан қурилишни кўрган инсон шу юрт ривожига ўз ҳиссасини қўшишни истайди.

Қурама тоғининг нақ кўксини ёриб, шундай мўъжиза яратган қурувчиларга тасанно!

Энди биз, фермерлар ўзимиз етиштирган маҳсулотларни ушбу йўл орқали наинки Марказий Осиёга, дунёнинг мана-ман деган мамлакатларига ҳам бамайлихотир етказиб бериш имконига эга бўлдик. Бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди.

Тожибархон ЙЎЛДОШЕВА, Андижон вилояти Хўжаобод тумани "Бирлашган" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, "Дўстлик", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳибаси:

– Биласиз, 2013 йилнинг апрель ойида Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиб, нутқ сўзлади. Сессияда мен ҳам қатнашганман.

Давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг барча соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари ва истиқболдаги вазифаларга тўхталиб, бир янгиликка эътборимизни қаратди: Ангрен – Поп йўналишида электрлаштирилган темир йўл қуришни мўлжалламоқдамиз. Фарғона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали боғлаш масаласини эътибордан четда қолдиришга ҳаққимиз йўқ. Насиб этса, 2016 йилда ана шу темир йўл қуриб битказилиши билан водийга, жумладан, Андижонга поездда бемалол қатнаш имкониятига эга бўламиз, деди Президентимиз қатъий ишонч билан.

Ўшанда Президентимизнинг бу гапи наинки Андижон, бутун водий аҳлининг кўнглини кўтарди. Бугун ана шу гапларнинг амалдаги исботи, тарихий воқеанинг гувоҳи бўлганимдан беҳад бахтиёрман.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг Фарғона водийси вилоятлари иқтисодиёти, инфратузилмасини юксалтиришдаги аҳамияти жуда катта. Бу йўл Ўзбекистон аслида қандай буюк давлат экани, халқи қандай қудратга, салоҳиятга эга эканини яна бир бор жаҳон ҳамжамиятига намоён этди. Осиё ва Европани боғловчи кўприк, икки минтақа ўртасидаги савдо ва иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилувчи ушбу ноёб объектни аср қурилишларидан бири десак, асло муболаға бўлмайди.

Ушбу ғоя ижодкори, уни амалга оширишга бош-қош бўлган Президентимизнинг зукколигига, билимдон иқтисодчи, узоқни кўра оладиган доно Йўлбошчи эканига яна бир бор тан бердим.

Шуларни айта туриб, Амир Темур бобомизнинг бир даъвати ёдимга тушди: "Агар куч-қудратимизга шубҳа қилсангиз, биз қурган иморатларга боқинг". Нақадар теран, маъноли фикр. Шундай эмасми?! Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари замирида Соҳибқироннинг ана шу даъвати мужассам, аждодлар яратувчанлиги авлодлар ишида давом этаётир.

Вонг ЧАО (Хитой), Андижон шаҳридаги "Lemon international" масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси бош директори:

– Тадбиркорман, дунёнинг кўп мамлакатларида бўлганман. Мана, бир неча йилдирки, Ўзбекистонда фаолият юритяпман. Рости, юртингизда тадбиркорлар, айниқса, хорижий инвесторлар учун қулай ишбилармонлик муҳити, қатор имтиёзлар яратилгани бизнинг самарали фаолият юритишимизда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзимиздан қиёс. Андижон шаҳрида Хитой инвестицияси асосида ишга туширилган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Lemon international" хорижий корхонасида йилига 500 минг дона шим ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли қурилишини аср қурилишларидан бири, дейиш мумкин. Биринчи бор Тошкентдан Андижонга Қамчиқ довони орқали автомобилда келганимда менга ушбу тоғ орқали Фарғона водийсига ўтадиган темир йўл қурилмоқда, дейишганида ишонмаган эдим.

Яқинда телевидение орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзиньпин иштирокидаги ушбу йўлнинг очилиши ҳақидаги кўрсатувни кўриб, қойил қолдим. Хитойни Марказий Осиё ва Европа билан боғлайдиган ушбу йўл савдо ва иқтисодий алоқалар янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай ноёб ва улкан қурилишни кўриб, Президентингиз раҳнамолигида Ўзбекистон ўз танлаган тараққиёт йўлидан дадил бораётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Умуман, ўзбек халқидек очиққўнгил, меҳмондўст, меҳнаткаш ва бағрикенг инсонларни кам учратганман. Айниқса, Ўзбекистон ёшларининг юксак салоҳияти, чет тиллари, хусусан, инглиз тилида равон гаплашиши менда катта таассурот қолдирмоқда. Юртингиздаги тинчлик, осойишталик, тўкинликка ҳар қанча ҳавас қилса арзийди.

Ғанижон ОРТИҚОВ, "Нуроний" жамғармаси Наманган вилояти бўлими бошлиғи, "Дўстлик", "Эл-юрт ҳурмати" орденлари соҳиби:

– Мустақиллик Ватанимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Фарғона водийсига ҳам ободлик, файз, тароват бахш этди. Буни ҳар қадамда ҳис этиш мумкин.

Наманганга тез-тез меҳмонлар келиб туради. Энди уларни Чодакка олиб чиқаман. Тошкент билан Наманган ўртасидаги "туннель кўприк"ни кўрсатаман. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг очилиш маросимида иштирок этганимни, маросимда хаёлимдан ўтган жайдари фалсафамни фахр билан сўзлаб бераман.

Йўл ўтган манзил тараққиёт, юксалиш сари юз буради. Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли бўйида ястанган кенг ҳудудларнинг ривожланишида, шу заминда истиқомат қилаётган юртдошларимизнинг ҳаёти янада обод бўлишида бу муҳим коммуникация воситаси алоҳида ўрин тутади.

Аҳолининг узоғи яқин, оғири енгил бўлади. Темир йўл транспорти тизимида, унинг корхона ва ташкилотларида янги иш ўринлари очилади. Янги темир йўл туфайли мазкур ҳудуд аҳолиси фаровонлиги юксалади, буни ҳар бир оила, ҳар бир инсон ўз ҳаёти мисолида яққол ҳис этади.

Дарвоқе, маросимда бир хорижлик меҳмонга кўзим тушди. Ёнимда ўтирган 20 ёшлар атрофидаги қиз чет тилида бемалол гаплаша олар экан. Унинг ёрдамида хорижлик билан гаплашдим. Лойиҳа ҳужжатлари ва бажарилган ишларни ўрганиш учун атай Германиядан келибди. Шу соҳанинг катта мутахассиси экан. Бажарилган ишларга юксак баҳо берди, қойил қолганини айтди.

Баъзан ўйлаб қоламан. Илгари бинокорликда Наманганнинг бировга кўрсатадиган нимаси бор эди? Бирор меҳмон келса, ўзимизни панага олардик – ўламан саттор, бизга келмасин, деб! Дўппи тор келганда кўзимиз билан ер чизиб қолган пайтларимиз ҳам бўлган. Бугун-чи? Наинки Наманган, Ўзбекистонимизнинг жамоли кундан кун очилиб, тўлишиб бораяпти. Энди етти иқлимдан меҳмон келмайдими, юртимизнинг кўрку тароватига қойил қолмаса, ҳалиги чет эллик меҳмонга ўхшаб халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятига тан бермаса, мен кафил!

Буларнинг ҳаммаси Президентимиз раҳнамолигида халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида олиб борилаётган эзгу ишлар самараси.

Собит НЎЪМОНОВ, Наманган шаҳридаги "Афруз-Камол-Наби" масъулияти чекланган жамиятининг тижорат ишлари бўйича директори:

– Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўлининг ишга туширилганини эшитиб, қалбимда шундай ғурур ва ифтихор ҳисси пайдо бўлдики, уни сўз билан ифодалаш қийин. Чунки дунёда молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари ҳамон сезилаётган шу кунларда бундай улкан, аср қурилиши мақомидаги лойиҳага қўл уриш ва амалга оширишга унча-мунча давлатнинг журъати етмайди.

Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити олдидан фойдаланишга топширилиши ва бу икки тарихий воқеанинг бир вақтга тўғри келишида ҳам чуқур рамзий маъно мужассам.

Темир йўл ишга туширилиши туфайли юкларнинг арзон нархларда ташилиши биз тадбиркорларни қувонтиради. Чунки олдинлари Хоразмдан Наманганга 40 тонна юкни 2 юк транспортида олиб келган ва йўл харажатлари учун 10 миллион сўм сарфлаган бўлсак, энди битта вагондаги 40 тонна юкни 1,5 миллион сўмга келтиришимиз мумкин. Бу темир йўлнинг биргина тадбиркорлик субъектига келтирадиган фойдаси, энди уни туман, вилоят, боринг ана мамлакат миқёсида бир ҳисоблаб кўринг-а, эҳ-ҳе, энг зўр математик ҳам чўтлаб беролмайди-ёв!

Энди биз, тадбиркорлар Наманганнинг ўзида туриб юкимизни дунёнинг исталган мамлакатига экспорт қилиш имкониятига эга бўлдик. Бу мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада ошириш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган эзгу ишлар самараларидир. Бинобарин, ниҳоятда қисқа вақтда – атиги 32 ойда шундай улкан иншоотни – 123 километрдан зиёд темир йўлни ва 19 километрдан ортиқ туннелнинг қуриб битказилиши халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир ёрқин намойиши бўлди.

(ЎзА)

ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ САММИТИ ҲАҚИДА:

"ТОШКЕНТ ОСИЁНИНГ СИЁСИЙ ПОЙТАХТИ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА"

Хабар қилинганидек, Тошкентда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзаро ишонч, манфаатдорлик, тенглик, маданиятлар хилмахиллигига ҳурмат ва биргаликда тараққиётга интилишни ўзида мужассамлаштирган "Шанхай руҳи" Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг халқаро алоқалар замонавий тизимининг нуфузли иштирокчиларидан бири сифатида ўрин топишида асосий омил бўлди. Ўтган давр мобайнида тузилма ўзаро манфаатли кўп тармоқли шерикликнинг фаол механизмига айланди.

Бугун шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, XXI аср бошида ШҲТга аъзо давлатларнинг минтақада яхши қўшничилик, дўстона ҳамда шериклик муносабатларини чуқурлаштириш сари танлаган йўли биргаликда ривожланиш соҳасида амалий натижаларга эришиш бўйича жаҳон ҳамжамияти учун муносиб намуна бўлди.

АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё бўйича ёрдамчиси ўринбосари Даниэл Розенблюмнинг фикр билдиришича, ШҲТ фаолият кўрсатаётганидан буён АҚШ унинг ривожланишини алоҳида қизиқиш билан кузатиб келади. Жуғрофий жойлашуви, демографик ўзига хосликлари ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларидаги марказий ўрни билан Ўзбекистон ШҲТда етакчи давлатлардан бири бўлиб қолмоқда.

Стратегик ҳамда халқаро тадқиқотлар маркази (АҚШ)нинг Евроосиё ва Россия бўйича дастурлар директори ўринбосари Жеффри Манкоффнинг мулоҳазасича кўра, Россия, Хитой, Марказий Осиё мамлакатларидан иборат ва ҳадемай, Ҳиндистон ҳамда Покистон каби давлатларни ўз сафига оладиган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ўта йирик халқаро тузилмадир. Унинг ноёблиги шундаки, ташкилот биринчидан, ҳам иқтисодий, ҳам хавфсизлик масалалари билан шуғулланади, иккинчидан эса, қарорлар қабул қилишда ўзаро консенсус механизмига эга. Бу эса тузилмага аъзо мамлакатлар ёндашувларининг хилмахиллигидан қатъи назар, биргаликда амалга ошириладиган ишлар натижасининг самарали бўлишига имкон яратади.

Мудофаа ва хавфсизликнинг халқаро масалалари тадқиқотлари бўйича Қироллик Бирлашган хизматлар институти директори (Буюк Британия) Рафаэлло Пантуччининг ҳисоблашича, ШҲТ катта истиқболга эга ташкилот бўлиб, унга халқаро майдонда етук тизим, глобал ҳамда минтақа миқёсида барқарорлик ва хавфсизликни қўллаб-қувватлашнинг ишчан органи сифатида катта умидлар боғланмоқда.

ШҲТнинг 15 йиллик фаолияти давомида мамлакатимиз унда учинчи марта раислик қилишдек масъулиятли миссияни ўз зиммасига олди. Бу даврларнинг ҳар бирида Ўзбекистон томонидан кейинчалик ҳаётда ўз амалий ижобатини топган муҳим ва долзарб аҳамиятга молик ташаббуслар илгари сурилди. Республика жорий йилги раислиги давомида ШҲТга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларига жавоб берадиган, ўзаро наф келтирадиган ҳамкорликнинг ривожланишига, унинг давомийлиги ҳамда изчил мустаҳкамланиши тамойилларига қатъий риоя қилганини баробарида, ташкилотнинг жаҳондаги обрў-эътибори оғишмай ўсиб боришини таъминлаш бўйича тизимли ишларни давом эттирди.

— Ушбу саммит интиҳоси билан ташкилот тузилганлигининг 15 йиллигига тўғри келган Ўзбекистон раислиги ниҳоясига етди, — дейди Р. Пантуччи. — Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳамиша бирлашма раислиги вазифасига масъулият билан ёндашган ва самарали равишда унинг уддасидан чиққан. Мутлақо аёнки, навбатдаги фахрий миссия доирасида ҳам республика кенг кўламли ишларни амалга оширди.

ШҲТ доирасида илгари сурилган ҳамда ҳаётга татбиқ қилинган ташаббусларнинг муҳимлиги ҳақида фикр билдираркан, **ташкилотнинг собиқ Бош котиби Дмитрий Мезенцев** қуйидагиларни қайд этди:

— Айнан Ўзбекистон шафелигида кузатувчилар тўғрисидаги низом қабул қилинди, уларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан ўзаро ҳамкорлиги механизми белгилаб олинди. Биз Тошкентда ШҲТ Минтақавий аксилтеррор тизими фаолиятини ташкил қилган ва қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон томони олиб бораётган ишларга катта ҳурмат билан қараймиз.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг ҳар йили ўтказиб келинаётган учрашувларининг ташаббускори бўлди. Бу Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2000-йиллар бошида бўлгани сингари ҳозир ҳам минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлаш масалаларига энг устувор вазифалардан бири сифатида қарашидан далолат беради.

Россия Федерацияси Давлат думаси депутати, Мудофаа бўйича кўмита аъзоси Тимур Акуловнинг сўзларига қараганда, халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалаларининг долзарблиги ҳисобга олинар экан, Ўзбекистоннинг ШҲТга раислиги доирасида Тошкентда ўтказилган тадбирларнинг қамрови ҳамда аҳамиятига муносиб баҳо бермаслик мумкин эмас. Бунинг учун ташкилотга аъзо мамлакатларнинг дунё иқтисодиётидаги умумий ҳиссаси ва салоҳиятини тасаввур қилишнинг ўзи кифоядир.

— Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг "Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигига таҳдид ва хавф-хатарларни бирдек кўриш, уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича бир хил ёндашувлар ШҲТ муваффақиятли фаолиятининг энг муҳим шарти ҳисобланади", деб айтган фикрларига тўла қўшиламан, — дейди Т. Акулов. — Шунингдек, "Терроризм билан курашишда уларнинг фақатгина бузғунчи кучлари ва таянч нуқталарини бартараф қилиш билан чекланиб қолмасдан, яъни мазкур таҳдидларга қарши фақат куч ишлатиб эмас, балки инсон онгини заҳарлаётган ҳамда терроризмни молиялаштираётган марказлар билан муросасиз кураш олиб бориш керак", деган фикрларига ҳам қўшиламан.

"Келишув" социал-демократик партияси (Латвия) бошқаруви аъзоси Александрс Саковскиснинг таъкидлашича, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти босқичма-босқич, ишонч билан кенгайиб бораётир, халқаро микёсдаги жиддий ташкилотга айланмоқда. Кўпгина мамлакатларнинг мазкур ташкилотда кузатувчи ва мулоқот бўйича шерик мақомига эга бўлишни истаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

— Ўзбекистон ўз раислиги доирасида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясида белгиланган асосий тамойилларга, жумладан, очиқлик ҳамда блокларга қўшилишдан холи бўлишликка қатъий риоя қилгани ҳолда, халқаро ва минтақавий муаммоларнинг ҳал этилишида мафкуралашган ҳамда қарама-қаршилик ёндашуви йўлидан боргани йўқ, — дейди А. Саковскис. — Бундай ёндашув, шубҳасиз, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг келажакдаги самарали фаолиятига кўмаклашади.

Озарбайжоннинг "Янгиликлар" халқаро матбуот маркази директори, Сиёсий шарҳловчилар клуби раҳбари Ильгар Велизода мамлакатимизнинг ШҲТга раислиги даврида мазкур тузилманинг нафақат Осиё минтақасида, балки бутун дунёда обрў-эътибори ҳамда таъсири ортиб бораётганини таъкидлади.

— Шубҳа йўққи, бунда Ўзбекистоннинг хизмати катта. Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга йўналтирилган прагматик ташқи сиёсат олиб бораётган Ўзбекистон минтақавий ривожланишнинг мураккаб муаммолари ҳал этилишига кўмаклашиш мақсадида ШҲТнинг барча аъзо мамлакати билан шериклик муносабатларини равнақ топтиришга жиддий ҳаракат қилмоқда. Диний экстремизм, қурол-яроғнинг ноқонуний айланиши, наркотрафик билан курашга Ўзбекистон қўшган ҳиссани юқори баҳолаш лозим бўладики, унинг самарадорлиги амалда ўз исботини топмоқда.

Тошкент фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан том маънода яхши йўлга қўйилган ҳамкорликка эришиш, сўзда эмас, балки амалда ШҲТнинг яққол салоҳиятини кўрсатиш мумкин, деб ҳисоблайди. Бу тузилма қитъанинг етакчи давлатлари ўртасида хавфсизлик ҳамда барқарор тараққиётнинг турли масалалари бўйича мулоқот учун ишчанлик майдони бўлиб қолишида давом этмоқда, — дейди озарбайжонлик эксперт.

"Сиёсий воқеалар" ҳафталик журнали бош муҳаррири Моҳан Дхар (Ҳиндистон) фикр билдирганидек, ушбу ташкилотга янги аъзоларнинг қабул қилиниши учун меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг шакллантирилгани Ўзбекистоннинг ШҲТда учинчи раислиги давридаги асосий хизматларидан бири ҳисобланади.

— Ишончим комилки, 2016 йил Ҳиндистоннинг замонавий тарихида энг муҳим даврлардан бирига айланади. Ҳиндистон учун ШҲТ — янги мезонлар йўли, биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама этиш имконияти. Мамлакатимиз ҳамиша ШҲТга талпинган, унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга интилганки, мазкур ташкилот, ҳеч муболағасиз, бугунги кунда дунёнинг энг обрўли ва ўз эътирофини топган тузилмаларидан бири ҳисобланади.

Францияда нашр этиладиган "Tachkent — Paris" журнали бош муҳаррири Сильви д'Изарн ҳам ҳудди шундай мазмундаги фикрларни билдирди.

— ШҲТ Давлат раҳбарлари Кенгашининг Тошкентдаги йиғилиши ШҲТ солномасида янги саҳифани очади, унга аъзо мамлакатларнинг сиёсат ҳамда хавфсизлик, иқтисодиёт ва транспорт коммуникациялари, шунингдек, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлиги янада ривожланишига туртки беради, — деб ёзади франциялик журналист. — Бу саммит икки мамлакат — Ҳиндистон ҳамда Покистон учун алоҳида босқич бўлади. Учрашув якунлари бўйича давлатлар раҳбарлари ШҲТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси мақомини олиш учун бу икки мамлакатнинг мажбуриятлари тўғрисидаги меморандумларни имзоладилар.

Ўз навбатида, **Шанхай халқаро тадқиқотлар академияси ҳузуридаги Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш маркази директори Ли Синь** қайд этганидек, бугун жаҳонда мураккаб вазият ҳукм сураётган бир шароитда Ўзбекистон масъулиятли миссияни ўз зиммасига олди ва ШҲТ Хартиясида муҳрлаб қўйилган мақсад ҳамда вазифалардан келиб чиққан ҳолда, ушбу ташкилотнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди.

— Биз Ўзбекистоннинг ташкилотга раислиги йилларида жуда салмоқли ишлар амалга оширилганини кўриб турибмиз, — дейди хитойлик эксперт. — ШҲТ шартнома базасининг мустаҳкамланишида ва муносиб иштирокчиларнинг янги доираси белгиланишида ижобий натижаларга эришилди. Тошкентда ШҲТ қатор тузилмаларининг — хавфсизлик кенгаши котиблари учрашуви, ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилиши, маданият вазирлари кенгаши ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар миллий мувофиқлаштирувчилари кенгашининг мажлислари муваффақиятли ўтди. Ташкилотнинг Ўзбекистон пойтахтидаги саммити якунловчи босқич бўлди, унда ШҲТ ташкил топган 15 йил давомидаги фаолиятининг якунлари кўриб чиқилиши баробарида, унинг келгуси тараққиёт йўллари белгилаб олинди.

Аксарият халқаро таҳлилчилар тасдиқлаётганидек, Тошкент саммити тарихий воқеа, унинг натижалари эса ташкилот ривожида олдинга қараб ташланган қатъий қадам бўлиб қолишига шубҳа йўқ. Ўзбекистоннинг ШҲТга бундан олдинги муваффақиятли раислигидаги тажрибаси ва республикада ШҲТ Давлат раҳбарлари Кенгашининг мажлисига тайёргарлик доирасида амалга оширилган ишларга жаҳон ҳамжамияти томонидан берилган юқори баҳолар бунинг яққол далолатидир.

Масалан, **Испания Шарқшунослар ассоциацияси бош котиби Хесус Хил Фуэнсанта**нинг билдиришича, мазкур анжуман умумбашарий тараққиёт ҳамда минтақавий хавфсизликнинг долзарб масалаларини биргаликда муҳокама этиш учун яхши имконият бўлди.

— Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда Тошкент Осиёнинг сиёсий маркази бўлиб қолмоқда. Минтақанинг энг муҳим давлати ҳисобланадиган Ўзбекистон учун ШҲТ саммитини ўтказиш кенг ҳудудда мамлакатнинг роли ўсиб бораётганининг тасдиғи ҳисобланади. Яна шу далил ҳам диққатга моликки, Ўзбекистон минтақада хавфсизликни сақлаш ва қўллаб-қувватлашга бебаҳо ҳисса қўшаётгани ҳолда, Тошкент барча қўшни мамлакатларда хавотир уйғотадиган муаммо ҳамда масалаларга юқори даражада масъулият билан ёндашмоқда. Ўзбекистон ШҲТ доирасида ҳам ана шу қатъий йўлни тутаяпти.

Ўз навбатида, **Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти бош илмий ходими, профессор Ирина Звягельская**нинг фикрича, ШҲТ давлат раҳбарларининг учрашувлари анъанавий равишда дунё ҳамжамиятининг катта эътиборини жалб этиб келмоқда. Тошкент саммити ҳам ўзининг янада бой ва мазмундор кун тартиби билан бундан холи эмас.

— Тобора кучайиб бораётган умумбашарий иқтисодий инқироз таъсирида оқибатини сира олдиндан айтиб бўлмайдиган ҳозирги халқаро вазиятда хавф-хатарларга қарши туриш масаласи юзасидан давлатларнинг амалий ҳамкорлигига бағишланган бундай олий даражадаги кўп томонлама учрашувлар жуда зарур бўлиб қолмоқда, — деди эксперт. — Ўзбекистон пойтахтидаги музокаралар мазкур йўналишдаги ҳамкорликни очиқ муҳокама этишга ҳамда хавф-хатарларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан биргаликда зарур ва муҳим чора-тадбирларни қабул қилишга имкон беради.

Мудофаа тадқиқотлари ҳамда таҳлили институти (Ҳиндистон) етакчи эксперти Мина Сингх Ройнинг айтишича, мамлакатимизнинг ШҲТдаги ушбу раислиги ташкилот тамойиллари ва асосий вазифалари амалий жиҳатдан ҳаётга тўлақонли татбиқ этилиши нуқтаи назаридан муҳимдир.

— Ҳар бир саъй-ҳаракатдаги жиддийлик, вазминлик ҳамда нуқтаи назарнинг асосланганлиги Ўзбекистон раислигини бошқа мамлакатлар учун ибрат мактабига айлантирди, — деди у. — Бу даврда Ўзбекистон зиммасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш сиёсати масалаларида барча иштирокчи давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, кескинликнинг янги ўчоқлари пайдо бўлишига йўл қўймаслик, юзага келадиган муаммоларнинг ҳарбий йўл билан ҳал қилинишида ШҲТнинг жалб этилишига йўл қўймаслигидек оддий бўлмаган вазифалар турарди. Комил ишонч билан айтаманки, мамлакат оддий бўлмаган бу вазифаларни ажойиб тарзда уддалагани ҳолда, зарур қарорларни қабул қилишда пухта сиёсий тафаккур, чуқур ўйланган ва ҳар томонлама вазмин ёндашув намунасини кўрсатдики, ташкилот келажаги кўп жиҳатдан ана шунга боғлиқдир.

Аниқки, ШҲТдаги навбатдаги раислигини ниҳоясига етказганидан кейин ҳам Ўзбекистон Республикаси ташкилот салоҳиятини янада ривожлантириш, меъёрий-ҳуқуқий заминини мустаҳкамлаш ҳамда унинг жаҳон майдонидаги нуфузини оширишга ўз ҳиссасини қўшишда давом этади. ШҲТ ташкилотланининг ўн беш йиллигида ўтказилган Тошкент саммити эса йилнинг марказий воқеаси бўлиб қолишига ҳам шубҳа йўқ.

"Жаҳон" АА.

ЭЪТИБОР ВА РАҒБАТ ЯНГИ ИЖОДИЙ МАРРАЛАРГА ЧОРЛАЙДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, юртимизда мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб оммавий ахборот воситаларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини, уларнинг фаолияти самарасини янада ошириш, медиа тармоқларининг ҳуқуқий, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг меҳнатини ҳар томонлама рағбатлантиришга қаратилган амалий ишлар олиб борилмоқда.

Айниқса, давлат ва нодавлат оммавий ахборот воситалари мамлакатимизнинг ахборот маконида мутаносиб ривожланиб боришига алоҳида эътибор берилмоқда. Бунинг тасдиғини охирги йилларда электрон ва босма оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш учун давлат бюджети ҳисобидан кредитлар, ижтимоий буюртма ва давлат грантлари шаклида 14 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилгани ва бошқа мисолларда яққол кўриш мумкин.



ЎзА олган сурат

Агар мустақилликка қадар Ўзбекистонда 395 та оммавий ахборот воситаси мавжуд бўлган бўлса, ўтган даврда уларнинг сони 3,6 карра кўпайиб, ҳозирги вақтда 1 минг 400 тадан зиёдни ташкил этмоқда. 1991 йилгача юртимизда бор-йўғи 1 та телеканал ва 2 та радиоканал фаолият кўрсатар эди, холос. Бугунги кунда биргина Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида 14 та телеканал, 4 та радиоканал ва 12 та ҳудудий телерадиокомпания иш олиб бормоқда. Хусусий теле ва радиоканалларни қўшиб ҳисоблаганда, уларнинг умумий сони қарийб 100 тани ташкил этмоқда.

Анъанавий матбуот воситалари бўлган газета-журналлар, телерадиоканаллар билан бирга энг замонавий ва илғор медиа тармоқлари, аввалambor, интернет журналистикаси, нодавлат оммавий ахборот воситалари миллий ахборот майдонимизда тобора мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмуни ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг кўламли дастурлар амалга оширилмоқда. Кейинги беш йилда бу борадаги кўрсаткич 52 фоиздан 76 фоизга ўсгани ушбу йўналишдаги ишлар жадал суръатларда олиб борилаётганидан дарак беради.

Юртимизда интернет журналистикасини ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар яратилмоқда. Бунинг натижасида UZ доменида оммавий ахборот воситаси сифатида фаолият кўрсатаётган веб-сайтларнинг сони охирги 5 йилда икки баробар ортиб, 360 дан зиёдни ташкил этгани диққатга сазовордир.

Истиқлол йилларида матбаа корхоналари сони ўн баробардан зиёд кўпайиб, 1 минг 746 тага етгани, бу эса йилига 7 та тилда 45 миллион нусхадан ортиқ китоб чоп этиш имконини бераётгани Ўзбекистон босма оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора кучайиб бораётганини кўрсатади.

Тадбирда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган "Йилнинг энг фаол журналисти" кўрик-танловининг ғолиб ва совриндорлари тақдирланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан мамлакатимизда спортни янада оммалаштиришда фаоллик кўрсатган спорт журналистларига эсдалик совғалари ва дипломлар топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан "Дунё бўйлаб" телеканали катта муҳаррири У.Ҳамроқулов, "Нукус ҳақиқати" газетаси мухбири Н.Мамбетиризаева, "Учитель Узбекистана" газетаси мухбири А.Терехина ва бошқалар миллий матбуот соҳасини изчил ривожлантириш, соҳа ходимларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, янги-янги ижодий марралар сари руҳлантириш ва уларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирдилар.

Тадбир сўнгида атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбеков асари асосида Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Кузги мактублар" спектакли намойиш этилди.

Шу куни пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун байрам сайли бўлиб ўтди.

(ЎзА)

"ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ" ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ

Исломова Лобар — "ANHOR.UZ" веб-сайти бош муҳаррири

Ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган ҳар хил зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият" ниқоби остидаги таҳдид ва хатарлардан асраш, фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги туркум материаллари учун

Мамбетиризаева Несибали — "Нукус ҳақиқати" газетаси мухбири (Қорақалпоғистон Республикаси)

Қорақалпоқ халқининг бугунги ҳаёти, буюк орзу-интилишлари акс этган, истиқлол берган чексиз имкониятлар туфайли турмушимиз фаровон бўлаётгани, экологик масалалар ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш мавзуларидаги туркум мақолалари учун

Полвонов Давлатжон — "Бағдод ҳаёти" газетаси мухбири (Фарғона вилояти)

Ҳудудларда, жумладан, туманда амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, янги таълим-тарбия муассасалари, маданият, санъат ва спорт иншоотларини қуриш ва таъмирлаш, шунингдек, қишлоқда турмуш маданиятининг юксалиши акс этган ва миллий қадриятларимизни улуғловчи публицистик мақолалари учун

Раҳимов Муҳиддин — "Тафаккур" журнали бош муҳаррири ўринбосари

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси, анъана ва қадриятларини тиклаш бўйича олиб борилган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари, бизга ёт бўлган ғарбона турмуш ва тафаккур тарзига қарши ўзимизнинг ўлмас миллий қадрият ва анъаналаримизни кенг тарғиб қилиш, оила қадриятларини улуғлаш, ота-она-фарзанд муносабатларини глобаллашувнинг салбий таъсиридан ҳимоялаш масалалари ёритилган туркум мақолалари учун

Тошпўлатова Нозима — "Ўзбекистон" телерадиоканали "Ахборот" информацион эшиттиришлар муҳарририяти сиёсий шарҳловчиси

Мамлакатимизни модернизациялаш ва янгилаш жараёнларининг бориши ҳамда юртимизда юз бераётган муҳим ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар моҳияти чуқур очиб берилган таҳлилий эшиттиришлари учун

Усмонова Назокат — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Республика ахборотн таҳририяти бўлим мудири

Интернет тармоғида ёритилган юртимиз ҳаётидаги янгиланиш ва ўзгаришлар, бунёдкорлик борасидаги улкан амалий ишлар, ватандошларимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётгани, шунингдек, маданият, таълим-тарбия, тиббиёт, адабиёт, санъат соҳасига оид туркум таҳлилий материаллари учун

Ўктамова Феруза — Навоий вилоят телерадиоканали радиогуруҳи муҳаррири

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифалар ҳамда соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдаги фаоллиги учун

Ҳамроқулов Улуғбек — "Dunyo bo'ylab" телеканали катта муҳаррири

Ёш авлодни Ватанимизга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадрият ва анъаналарга ҳурмат, она табиатимизни асраб-авайлаш руҳида тарбиялашга қаратилган туркум кўрсатувлари учун

Ҳожиева Юлдузхон — "Маҳалла" газетаси бош муҳаррири ўринбосари

Фуқаролар йиғинларининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва нуфузини янада ошириш, жойларда ярашув институтларини кенг жорий этиш, ижтимоий ҳимоя, вояга етмаганлар билан ишлаш, маҳаллада ёшларни спортга кенг жалб этиш мавзуларидаги қатор публицистик чиқишлари учун

Эргашев Маъмуржон — "Менинг юртим" телеканалининг Наманган вилоятидаги махсус мухбири (ЎзЭОАВМА)

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини кенг тарғиб қилишда ва "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган долзарб вазифаларни ёритишдаги фаоллиги, жисмонан соғлом, маънан баркамол авлод тарбияси йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ва эзгу ишлар акс этган репортажлари учун

Танлов совриндорлари:

Абдусатторов Алижон — "Жиззах ҳақиқати" газетаси мухбири
Боймуродова Комила — "Ишонч" газетаси мухбири
Жўраев Мирзоҳид — "Қашқадарё" ва "Новости Кашкадарьи" газеталари мухбири
Мадвалиев Орифжон (Ориф Толиб) — "Ёшлик" журнали масъул котиби
Неъматов Руфат — "Жамият" газетаси масъул котиби
Норбоев Содиқ — "Маданият ва маърифат" телеканали бош муҳаррири ўринбосари
Норбобоев Наврўз — "Соғлом авлод" газетаси фотомухбири
Саилхонова Латофат — "Хоразм ҳақиқати" ва "Хорезмская правда" газеталари таҳририяти бўлим мудири
Султанмуратов Парахат — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпанияси муҳаррири
Терехина Александра — "Учитель Узбекистана" газетаси мухбири
Умиров Сайди — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети доценти
Хабибуллина Луиза — Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси ижтимоий дастурлар лойиҳаси масъул муҳаррири
Ханнаева Улжамол — "Ёшлар" телерадиоканали шарҳловчиси
Ходжамуродова Гулнора — "Ватанпарвар" газетаси катта мухбири
Шодиев Равшан — "Ўзбекистон овози" газетаси мухбири

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳудудида Ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопарки қурилиши бошланишига бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари Шавкат Тўлаганов, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Квон Ён У, Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги департаментининг бош директори Канг Мюн Су ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар қатори тўқимачилик, енгил саноатда ҳам изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президент Пак Кин Хэнинг 2014 йил июнда Ўзбекистон Республикасига ва Президент Ислом Каримовнинг 2015 йил майда Корея Республикасига давлат ташрифлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни диверсификация ва модернизация қилиш, юқори технологияли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Мамлакатимиз енгил саноати мустақиллик йилларида миллий иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бирига айланди. Айни пайтда енгил саноат тизимида замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозланган 300 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва қайта жиҳозлаш, малакали кадрлар тайёрлаш, чет эл инвестициясини жалб этишга асосланган ривожланиш стратегияси рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспорти кўламини кенгайтириш имконини бераётир.

Мамлакатимиз енгил саноат тармоғи ўз салоҳиятини янада юксалтириш учун катта имкониятларга эга. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича самарали дастур бу борада муҳим ўрин тутади. Масалан, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида ҳар йили автоматлаштириш ва бошқарув, тўқимачилик саноати технологиялари, пахта саноати технологиялари, енгил ва матбаа саноати технологиялари йўналишларида мингдан зиёд мутахассис тайёрланмоқда.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг стратегик ва асосий инвестициявий шерикларидан биридир. Икки давлат раҳбарларининг мунтазам музокаралари самарасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик изчил ривожланмоқда. Мамлакатларимиз турли соҳаларга юқори технологияларни жорий этиш борасида ҳам фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Миллий иқтисодиётимиз турли тармоқлари, хусусан, тўқимачилик ва енгил саноатда Жанубий Корея тадбиркорларининг фаол иштирокида қўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти ва Корея Республикаси Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги ҳамкорлигида 2018 йилга қадар Тошкентда барпо этиладиган Ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопарки лойиҳаси Ўзбекистон – Жанубий Корея муносабатларининг ёрқин намунасидир.

Технопаркни ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида жорий этиш учун тўқимачилик саноатини ривожлантириш, технологик янгиликларни яратиш ва материалшунослик, бўяш-пардозлаш, мато ва либослар дизайни соҳасида тадқиқотлар ўтказиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда истиқболли технологик йўналишларни, муқобил электр энергияси манбалари ва бошқа йўналишларни ривожлантиришга қаратилган халқаро ўқув ҳамда тадқиқот дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат.

Қурилиш-монтаж ишларини бажариш, технологик ускуналар харид қилиш ва ўрнатиш, технопарк ходимлари учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш Корея Республикаси ҳукуматининг "Тараққиётга расмий кўмак" дастури доирасида грант маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади. Лойиҳа қиймати 15 миллион АҚШ доллари атрофида баҳоланмоқда.

Технопарк режасида юқори технологияли 3 ва 5 қаватли маъмурий бинолар, энергия тежайдиган технологиялардан фойдаланган ҳолда экспериментал ишлаб чиқариш учун қуёш батареялари билан жиҳозланган ва умумий майдони 10 минг квадрат метрдан зиёд алоҳида 2 қаватли бино қуриш кўзда тутилган.

Режага кўра, 4 минг квадрат метрдан ортиқ бўлган ҳудудда ўқув хоналари, конференция ва кўргазма заллари, лабораториялар, офислар, оранжерея ва бошқа объектлар жойлаштирилади. 1,5 минг квадрат



метрдан ортиқ майдонда ташкил этиладиган илмий-тажриба лабораториясида тўқиш, бўяш-пардозлаш, тикув ускуналари ўрнатилади.

5 қаватли бино томида гулзор ва боғ барпо этилади. Бинолар замонавий юқори технологияли қурилиш ва пардозлаш материалларидан бунёд этилади. Уларга туташ ҳудудларга турли хил пишиқ кошинлар ётқизилади, майсазор ва фавворалар барпо қилинади.

Технопаркнинг дизайн-гуруҳи "Ўзбекенгилсаноат" корхоналари билан янги турдаги маҳсулотлар яратиш бўйича ҳамкорлик қилади.

– Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги стратегик шериклик тобора мустаҳкамланиб бораётгани бизни қувонтирмоқда, – деди Жанубий Корея технологияларни ривожлантириш институти президенти Же Хун Чунг. – Иқтисодиётнинг турли жабҳаларида амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар ўзаро ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганидан далолат бермоқда. Ўзбекистоннинг тўқимачилик саноатидаги салоҳияти юксалиб бормоқда. Биз бундан буён ҳам ҳамкорликни янада ривожлантириб, янги-янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдормиз.

"Ўзбекенгилсаноат" акциядорлик жамияти билан Жанубий Корея технологияларни ривожлантириш институти ўртасида Ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопаркини янада ривожлантириш тўғрисида муҳокама протоколи имзоланди.

Ўқув-тадқиқот тўқимачилик технопаркининг барпо этилиши Ўзбекистон енгил саноатини янги ривожланиш босқичига олиб чиқиш ва соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.Азимов иштирок этди.

Нодира МАНЗУРОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида "Бешбулоқ – Сурхон – Шеробод" болалар соғломлаштириш оромгоҳининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Оромгоҳ қурилишига Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси томонидан 5,5 миллиард сўм маблағ сарфланди. 4,5 гектарга яқин майдонни эгаллаган оромгоҳда янги лойиҳалар асосида ётоқ бинолари, маънавият, тиббиёт хоналари, ошхона, сузиш ҳавзаси, спорт майдончалари ва бошқа хўжалик бинолари қурилиб, замонавий жиҳозланди.

● Марғилон шаҳрида "Юксак маънавиятли авлод" республика ёшлар фестивалининг Фарғона вилояти босқичи бўлиб ўтди. Фестивалда 300 дан ортиқ иштирокчи "Президентимиз асарлари билимдони", "Мустақиллик тарихи билимдони", "Энг иқтидорли ҳунарманд", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган рассом", "Ўз асарида миллийликни акс эттирган дизайнер", "Ватан куйчиси", "Юксак маънавиятли авлод", "Бадиий ижод" номинациялари бўйича билим ва маҳоратини синовдан ўтказди.

● Қаршида "Қашқадарё ёшлари – соғлом келажак сари!" шиори остида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, ички ишлар, соғлиқни сақлаш бошқармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни ватанпарварлик ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли ёт ғоялар, иллат ва таҳдидлардан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

● Наманганда бадиий гимнастика бўйича "Олимпия умидлари" республика очиқ турнири бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб ташкил этилган мусобақада вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 160 га яқин ёш спортчи ўзаро баҳслашди.

● Андижонда "Ёш сиёсатчи – 2016" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши томонидан Президентимизнинг жорий йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида ташкил этилган танловда 18 нафар йигит-қиз ижтимоий лойиҳа тақдимоти, савол-жавоб ҳамда нотиқлик санъати бўйича билим ва салоҳиятини синовдан ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Испанияда бўлиб ўтган парламент сайловларида мамлакатни бошқарувчи Халқ партияси ғолиб чиқди.

● Колумбияда бортида 16 нафар ҳарбий бўлган вертолёт билан алоқа узилиб қолди.

● Австриянинг жанубий қисми ва Польша марказида кучли жала қуйиши натижасида сув тошқинлари келиб чиқди. Натижада кўпгина ҳудудлар электр қувватисиз қолди, жамоат транспорти ҳаракатида ҳам узилишлар юзага келди.

● Хитойда ишлаб чиқарилган "Sunway TaihuLight" супер компьютери жаҳондаги энг кучли 500 та ЭҲМ орасида энг қудратлиси деб тан олинди. Хитой миллий тадқиқот марказида яратилган мазкур суперкомпьютернинг процессоридан тортиб барча деталларигача Хитойда ишлаб чиқарилган. Компьютернинг ушбу замонавий янги модели бир сонияда 125 квадриллионта операцияни бажариш имконига эга.



ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ПАЙШАНБА, 30

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
7.40 "Мусаффо маскан". Ҳ/ф.
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Сен ёлғиз эмассан".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Иқлим".
10.15 "Муносабат". Ток-шоу.
11.00 "Ахборот".
11.10 "Мўъжизалар макони".
11.30 "Таҳлил – 25".
11.50 "Иқлим".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мерос". Б/ф. 1-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Бизнес старт".
14.40 "Агроолам".
15.00 "Иқлим".
15.15 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
16.00 "Тезкор хабарлар".
16.10 "Ғаройиб шаршаралар". Ҳ/ф.
16.30 "Ахборот". /Инглиз/.
16.40 "Рамазон ҳикматлари".
16.50 "Иқлим".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Суҳбатдош".
17.25 "Севги сароблари". Т/с.
18.10 "Иқлим".
18.25 "Устурлоб".
18.45 "Рамазон шукуҳи".
18.50 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
22.20 – 00.00 "Сен ухлаётганингда". Б/ф.
00.00 "Устурлоб".
00.20 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Анонс".
2.40 "Рамазон шукуҳи".
2.45 "Рамазон туҳфаси".
3.20 "Парвона". Спектакль. 2-қисм.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10–5.55 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Хатико". Б/ф.
7.40 "Фан ва ёшлар".
8.10 "Чорраҳадаги уй". Т/с.
9.10 "Муваффақият калити".
9.30 "Юрт келажаги".
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
11.10 "Нуқтаи назар".
11.50 "Истиқлол шукуҳи".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Истиқлол шукуҳи".
14.10 "Бетховен-4". Б/ф.
15.40 "Истиқлол тенгдошлари".
16.00 "Давр".
16.10 "Ғурур". Б/ф.
17.10 "Автопатруль".
17.30 "Такси-2". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Шарқ гавҳари".
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Уйиндан ўт чиқди". Б/ф.
00.20 "Суиқасд". Ҳ/ф.
00.40 "Афсона ва ҳақиқат".
2.30 "Ош бўлсин!"
3.10 "Улуғбек хазинаси". В/ф.
3.50 "Аждодлар ёди".
5.10 "13-студия".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Ошпазлар қироли". Т/с.
10.45 "Пойтахт-авто".
11.15 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Телетаҳлил".
11.40 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Poytaxt-avto".
13.15 "Обод хонадон".
13.35 "Мобильная камера".
13.45 "Poytaxt-reportaj".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Гулираъно". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.15 "Харвининг сўнгги имконияти. Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Профессионал".
18.45 "Пойтахт-эко".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Гулираъно". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Пойтахт йўлларида".
21.30 "Poytaxt-Hi-tech".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Лёгок на помине". Ҳ/ф.
23.40 "Профессионал".
00.05 "Пойтахт-эко".
00.15 "Эртамиз эгалари".
00.35 "Мен сизга айтсам".
1.20 "Poytaxt-Hi-tech".
1.30 "Тошкентнома".
1.50 "Poytaxt-reportaj".
2.15 "Бахт қўрғони".
2.45 "Дунёнинг ишлари". В/ф 2-қисм.
3.20 "Пойтахт-авто".
3.30 "Кинотакдим".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Камолот спорт".
6.30 "Болалар спорти".
7.00 "Sport onlayn".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати Тожикистон – Вьетнам.
10.00 "Машҳурлар".
10.25 "Эътироф".
10.35 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport onlayn".
13.05 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
14.00 Хабарлар.
14.20 Футзал. Осиё чемпионати Хитой Тайпейи – Тайланд.
16.05 "Соғлом турмуш сари".
16.50 "Спорт сайёраси".
17.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Военное дело".
17.25 Кўрсатувлар тартиби.
17.30 Хабарлар.
17.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Обод" – "Пахтакор". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади.
19.55 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 Теннис. Уимблдон турнири.
22.20 Футзал. Осиё чемпионати Япония – Австралия.
23.40 "Матонат".
00.05 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
1.40 Хабарлар.
2.05 Футзал. Осиё чемпионати Хитой Тайпейи – Тайланд.
3.50 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
4.20 "Техноспорт".
4.30 – 6.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
7.00 Миллий кино. "Фарзандим".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Қайнона бисотидан".
9.05 Миллий сериал. "Чархпалак".
9.35 "Таҳлил ва талқин".
10.00 "TV анонс".
10.05 "Соғлом оила".
10.30 "Фотокўзгу".
10.35 "Ён қўшним – жон қўшним".
10.55 "Изҳор".
11.00 "Тўйлар муборак!"
11.30 "Обод юрт одамлари".
11.55 "Фотокўзгу".
12.00 "Хива дурдоналари". Ҳужжатли фильм.
12.30 "Табиат шифохонаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Гулим".
14.05 "TV анонс".
14.10 "Обод манзиллар".
14.40 "Аслидек асрайлик".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
15.35 "Маҳалламиз болалари".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
16.35 "Биламизку, аммо".
17.00 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
17.25 "TV анонс".
17.30 "English at the Mahalla".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Маҳалламиз спорти".
18.25 "Фотокўзгу".
18.30 "Маҳалладошлар".
18.55 "Изҳор".
19.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
19.35 "Томорқа".
19.55 "Шукрона".
20.20 "Икки йўл орасида".
20.50 "Кун нафаси".
21.00 Миллий кино. "Фарзандим-2".
22.20 "TV анонс".
22.25 "Шарқона маскан".
23.00 "Кун нафаси".
23.10 "Нуроний фасл".
23.30 "Бизнес ва тараққиёт".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Тунги репортаж".
1.05 Миллий кино. "Гулим".
2.10 "Менинг маҳаллам".
2.35 "Обод манзиллар".
3.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
3.35 "Қадр топган қадриятлар".
4.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
4.35 "Саодатли умр".
5.10 – 6.00 "Халқ виждони".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Story time".
8.50 "Мультипанорама".
10.00 "Bravo English!"
10.20 "Қувноқ алифбо".
10.50 "Мультипанорама".
12.20 "Топағон болажон".
12.40 "Табиатшунос болажон".
12.50 "Мультипанорама".
13.30 "ABC-kids".
14.00 "Мультипанорама".
16.00 "Ширинтой-кичкинтойлар".
16.20 "Сеҳрли қўллар".
16.30 "Болалар учун фильм".
17.30 "Билағон болажон".
18.00 "Ақлли планшет".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Болажонлар саҳнаси".
19.40 "Электрон дунё".
19.50 "Саргузаштлар ороли".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Рассом болажон".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Кузги марафон". Б/ф.
7.35 Миллий кино. "Келгинди куёв".
9.20 "Ота меҳри". Б/ф.
11.20 "Клятва". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Қақнус".
14.05 "Жонслар оиласи". Б/ф.
15.30 Болалар экрани. "Парилар салтанати". 2-қисм.
16.45 "Оғир шарт-шароитларда". Б/ф. 1-қисм.
17.50 "Оғир шарт-шароитларда". Б/ф. 2-қисм.
19.00 "Шунқор". Т/с.
20.10 Миллий кино. "Куёвмисан, куёв".
21.45 Ҳафта юлдузи. Жан Рено.
22.05 Жаҳон киноси. "Васаби".
23.40 "Ғаройиб пойга". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Интакто". Ҳ/ф.
1.55 "Қирол Лир". Б/ф.
4.05 "Орзумдаги эркак". Б/ф.
5.50 – 6.00 "Кинооҳанг".

ЖУМА, 1

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 Миллий сериал: "Қисмат битиги".
7.40 "Ўзбекистон бағри кенг диёр".
8.00 "Ахборот".
8.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
9.10 "Суҳбатдош".
9.30 "Чиннигул". Т/с.
10.00 "Устурлоб".
10.20 "Иқлим".
10.30 1. "Дидар". 2. "Рангинкамон".
11.00 "Ахборот".
11.10 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
11.50 "Рамазон ҳикматлари".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Мерос". Б/ф. 2-қисм.
14.00 "Ахборот".
14.15 "Менинг боғим".
14.35 "Кўнгил ободлиги".
15.00 "Иқлим".
15.15 "Амелия". Б/ф.
17.00 "Ахборот".
17.10 "Кечиккан ҳаёт". Б/ф.
18.35 "Иқлим".
18.40 "Рамазон шукуҳи".
18.45 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Чорак аср шиддати" (рус)
20.25 "Чиннигул". Т/с.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Чорак аср шиддати" (ўзб)
22.05 – 00.05 "Момақалдироқ довони". Б/ф.
00.05 "Рамазон ҳикматлари".
00.15 Миллий сериал: "Гулхан атрофидагилар".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.35 "Рамазон шукуҳи".
2.40 "Рамазон туҳфаси".
3.20 "Парвона". Спектакль. 3-қисм.
4.00 "Ахборот".
4.40 Миллий сериал: "Чемпионлик орзуси".
5.10 "Мусаффо маскан".
5.35 – 5.55 "Кумуш зарраларда тинчлик симфонияси".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Ўн иккинчи кеча". Б/ф.
7.40 "Фан ва ёшлар".
8.10 "Чорраҳадаги уй". Т/с.
9.10 "Юрт келажаги".
9.30 "Автопатруль".
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Сўз ёшларга".
11.30 "Фусункор чироқлар".
11.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.10 "Бетховен-5". Б/ф.
15.40 "Зулфия издошлари".
16.00 "Давр".
16.10 "Сени излаб". Б/ф.
16.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
17.00 "Энг гўзал аёл".
17.30 "Такси-3". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Нуқтаи назар".
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Танишинг: Жо Блэк". Б/ф.
1.20 "Афсона ва ҳақиқат".
2.30 "Ош бўлсин!"
3.10 "Улуғбек хазинаси". В/ф.
4.00 "Ҳаёт хавфсизлиги".
4.30 "Қаҳқаҳа".
5.00 "13-студия".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.20 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
6.55 "Тошкент вақти".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-sport".
10.15 "Ошпазлар қироли". Т/с.
10.45 "Мобиль камера".
11.15 "Ҳимоя".
11.35 "Тошкентнома".
12.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
12.50 "Poytaxt-Hi-tech".
13.10 "Пойтахт йўлларида".
13.30 "Кадр ортида".
13.50 "Пойтахт-эко".
14.10 "Тошкент вақти".
15.10 "Гулираъно". Т/с.
15.50 "Poytaxt-sport".
16.10 "Кемадан ташқарида". Б/ф.
18.15 "Ишга марҳамат!"
18.20 "Мобильная камера".
18.30 "Эртамиз эгалари".
18.50 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Пойтахт-репортаж".
19.00 "Телемаркет".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.20 "Гулираъно". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Кўзгудаги Биз".
21.30 "Poytaxt-eko".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Али". Ҳ/ф.
00.50 "Пойтахт-репортаж".
1.00 "Рангли телевизор".
1.45 "Poytaxt-eko".
2.15 "Мобиль камера".
2.25 "Пойтахт йўлларида".
2.45 "Дунёнинг ишлари". В/ф 3-қисм.
3.20 "Кўнгил ҳайратлари".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Қувноқ стартлар".
6.45 "Осиёга назар".
7.00 "Sport onlayn".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати Тайланд – Вьетнам.
10.00 "Спорт сабоқлари".
10.20 "Эътироф".
10.35 Теннис. Уимблдон турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 "Sport onlayn".
13.05 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
14.00 Хабарлар.
14.20 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Обод" – "Пахтакор".
16.05 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
16.55 "Спорт сайёраси".
17.15 "Юлдузли оқшом".
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ифтихоримсан, спорт!"
18.15 "Техноспорт".
18.30 Хабарлар.
18.50 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Локомотив" – "Бунёдкор". Тўғридан-тўғри олиб кўрсатилади. Танаффусда "Спорт-маркет".
21.00 Хабарлар.
21.25 Теннис. Уимблдон турнири.
22.50 Дзюдо. Гран При турнири.
00.05 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
1.50 Хабарлар.
2.15 Футзал. Осиё чемпионати Тайланд – Вьетнам.
4.00 "Эътироф".
4.20 – 6.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
6.40 "Фермер".
7.05 Миллий кино. "Фарзандим 2".
8.30 "Кун нафаси".
8.40 "Шарқона маскан".
9.05 Миллий сериал. "Мафтуна".
9.40 "Маҳалладошлар".
10.05 "Шукрона".
10.30 "Маҳалламиз спорти".
10.55 "Фотокўзгу".
11.00 "Томорқа".
11.30 "Икки йўл орасида".
12.00 "TV анонс".
12.05 "English at the Mahalla".
12.30 "Изҳор".
12.35 "Тарбиянинг олтин қоидаси".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Хато".
14.35 "Обод юрт одамлари".
15.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
15.35 "Таҳлил ва талқин".
15.55 "Кун нафаси".
16.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
16.35 "Қайнона бисотидан".
17.00 "Фотокўзгу".
17.05 "Ён қўшним – жон қўшним".
17.25 "TV анонс".
17.30 "Маҳалламиз болалари".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Нуроний фасл".
18.25 "Изҳор".
18.30 "Бизнес ва тараққиёт".
19.00 Миллий сериал. "Мафтуна".
19.35 "Бола бошидан".
20.10 "Меҳр қолур".
20.50 "Сайлов хабарлари".
21.00 Миллий кино. "Уйин ичида ўйин".
22.40 "Идрок харитаси".
23.00 "Сайлов хабарлари".
23.10 "Мисли гавҳар".
23.30 "Фотокўзгу".
23.35 "Маҳаллам ҳақида".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий сериал. "Опа-сингиллар".
00.40 "Аслидек асрайлик".
1.00 Миллий кино. "Хато".
2.35 "Соғлом оила".
3.00 Миллий сериал. "Ҳаёт пиллапоялари".
3.35 "Обод маҳалланинг бахтли оиласи".
4.00 Миллий сериал. "Аммажоним-аммажон".
4.35 "Ён қўшним – жон қўшним".
5.05 "Биламизку, аммо".
5.35 – 6.00 "Табиат шифохонаси".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Болажон меҳмонхонаси".
8.50 "Мультипанорама".
10.10 "Қувноқ алифбо".
10.30 "Bravo English!"
10.50 "Болалар учун фильм".
11.40 "Топағон болажон".
12.00 "Мультипанорама".
13.20 "Табиатшунос болажон".
13.50 "Ширинтой-кичкинтойлар".
14.00 "Мультипанорама".
16.30 "Story time".
16.50 "Болалар учун фильм".
17.50 "Сеҳрли қўллар".
18.00 "Болажон орзуси".
18.10 "Мультипанорама".
19.30 "Рассом болажон".
19.50 "Соғлом болажон".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Саргузаштлар ороли".
21.30 "Оқтош эртаклари".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Алп йигитнинг уйланиши". Б/ф.
7.15 Миллий кино. "Куёвмисан, куёв".
8.45 Саргузашт фильмлар экрани. "Ғаввос". 1-қисм.
9.55 "Ғаввос". Б/ф. 2-қисм.
11.05 "Миллионер из трущёб". Ҳ/ф.
13.00 Кундузги сериал. "Қақнус".
14.05 "Пиано, соло". Б/ф.
15.40 Болалар экрани. "Момо".
17.05 "Олишув". Б/ф.
19.00 "Шунқор". Т/с.
20.05 Миллий кино. "Баракасини берсин".
21.25 Жаҳон киноси. "Муҳаббат тарихи".
22.55 Миллий кино. "Сукунат".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "А давайте жить вместе". Ҳ/ф. Премьера.
1.35 "Хўрланганлар". Б/ф.
4.50 – 6.00 Миллий кино. "Бурилиш".

ШАНБА, 2

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Аҳдга садоқат". Б/ф. 1-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Богус". Б/ф.
10.20 "Иқлим".
10.35 "Бизнес старт".
11.00 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Анонс".
13.10 "Рамазон ҳикматлари".
13.20 "Жаҳонгашта Юхан". Б/ф.
15.20 "Анонс".
15.30 "Билимдон". Интеллектуал танлов.
16.30 "Ахборот". /Инглиз/.
16.40 "Имконият".
17.00 "Ахборот".
17.10 "Тақдирда бўлмагунча". Б/ф.
18.35 "Иқлим".
18.45 "Рамазон шукуҳи".
18.50 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" /рус/.
20.05 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
21.00 "Ахборот".
21.40 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан. "Қишлоқ ҳаёти".
22.05 –00.35 Ҳинд киноси: "Хатолар ҳангомаси". Б/ф.
00.35 "Бизнес старт".
1.00 "Ахборот" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Анонс".
2.40 "Рамазон шукуҳи".
2.45 "Рамазон туҳфаси".
3.20 "Янга". В/ф. 1-қисм.
4.00 "Ахборот".
4.40 "Қишлоқ ҳаёти".
5.00 "Рамазон ҳикматлари".
5.10 – 5.55 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Хизматкор Боб". Б/ф.
7.30 "Энг гўзал аёл".
8.00 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
8.10 "Ойижон". Б/ф.
9.30 "Соғлом ҳаёт".
9.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
10.00 "Давр".
10.10 "Келин". Т/с.
11.00 "Имкон-шоу".
11.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
12.00 "Қасоскор". Т/с.
12.50 "Истиқлол шукуҳи".
13.00 "Давр".
13.10 "Мўъжизавий дунё".
14.00 "Истиқлол тенгдошлари".
14.10 "Бетховен-6". Б/ф.
15.50 "Истиқлол солномаси".
16.00 "Давр".
16.10 "Ўра". Б/ф.
16.40 "Вафо мактаби".
17.00 "Қизлар мактаби".
17.30 "Такси-4". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр".
19.30 "Келин". Т/с.
20.20 "Ош бўлсин!"
21.00 "Қасоскор". Т/с.
21.50 "Телетуҳфа".
22.00 "Давр".
22.30 "Ота-оналар учун тузоқ". Б/ф.
00.40 "Афсона ва ҳақиқат".
2.30 "Нуқтаи назар".
3.10 "Улуғбек хазинаси". В/ф.
4.00 "Шарқ гавҳари".
4.40 "Кўзгу". Ҳажвия.
5.00 "13-студия".
5.30 – 6.00 "Давр".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.00, 8.00, 10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 22.00, 2.00. "Poytaxt".
6.15 "Пальмовый остров в Дубае". Д/ф.
7.00 "Тошкент вақти".
9.00 "Poytaxt-reportaj".
9.10 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с.
9.50 "Poytaxt-madaniyat".
10.10 "Санамжон".
11.00 "Дунёдан дараклар".
11.20 "Сифат назорати".
11.50 "Пойтахт-Hi-tech".
12.10 "Тристан ва Изольда". Б/ф.
14.10 "Тошкент вақти".
15.00 "Poytaxt-eko".
15.10 "Гулираъно". Т/с.
15.50 "Пойтахт-репортаж".
16.10 "Ы" операцияси". Б/ф.
17.40 "Телемаркет".
18.25 "Тиллақош".
19.05 "Poytaxt-Hi-tech".
19.15 "Севгим менинг – андуҳим менинг". Т/с. /Премьера/.
20.00 "Дунёдан дараклар".
20.20 "Гулираъно". Т/с. /Премьера/.
21.00 "Ўзгача услуб".
21.30 "Тошкентнома".
21.45 "Телемаркет".
22.20 "Век Адалин". Ҳ/ф.
00.05 "Пойтахт-авто".
00.15 "Тошкент вақти".
1.15 "Тиллақош".
2.10 "Ҳикматли дунё". "Умр".
2.40 "Пойтахт-репортаж".
2.50 "Дунёнинг ишлари". В/ф 4-қисм.
3.25 "Бахт қўрғони".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Ифтихоримсан, спорт!"
6.30 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
7.20 "Техноспорт".
7.30 "Sport onlayn".
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати Малайзия – Қатар.
9.40 "Эътироф".
9.55 "Шоҳсупа". Сериал.
11.15 Дзюдо. Гран При турнири.
12.25 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.30 "Sport onlayn".
13.05 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
14.00 Хабарлар.
14.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Локомотив" – "Бунёдкор".
16.00 "Спорт сайёраси".
16.20 Теннис. Уимблдон турнири.
17.45 "Шоҳсупага йўл".
18.25 Кўрсатувлар тартиби.
18.30 Хабарлар.
18.50 "RIO – 2016".
19.15 Дзюдо. Гран При турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Хабарлар.
20.55 Теннис. Уимблдон турнири.
22.10 Футзал. Осиё чемпионати Чорак финал Ўзбекистон – Ироқ.
23.50 "Техноспорт".
00.05 Волейбол. Жаҳон лигаси.
1.20 Хабарлар.
1.45 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
3.35 Дзюдо. Гран При турнири.
4.50 "Эътироф".
5.10 – 6.00 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 Миллий кино. "Қовун".
7.30 "Идрок харитаси".
7.50 "TV анонс".
7.55 Миллий сериал. "Мафтуна".
8.30 "Сайлов хабарлари".
8.40 "Бизнес ва тараққиёт".
9.10 "Орзулари ушалган одамлар". Ҳужжатли фильм.
9.25 "Бола бошидан".
10.00 Миллий кино. "Уйин ичида ўйин".
11.40 "Фотокўзгу".
11.45 "Меҳр қолур". Ток-шоу.
12.25 "TV анонс".
12.30 "Репортёр".
12.55 "Кун нафаси".
13.00 Миллий кино. "Сеҳрли қалпоқча".
14.25 "Фотокўзгу".
14.30 "Истеъдод".
15.00 "Томорқа".
15.25 "Изҳор".
15.30 Миллий кино. "Кореялик келин".
17.00 "Шарқона маскан".
17.25 "TV анонс".
17.30 "Ноёб институт".
17.55 "Кун нафаси".
18.00 "Маҳаллам ҳақида".
18.30 Мисли гавҳар.
18.55 "Изҳор".
19.00 "Нодир наволар".
19.25 "Фермер".
19.50 "Ихтиро".
20.15 "Кўнгилдаги гаплар".
21.00 Миллий кино. "Новда".
22.40 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
23.20 "Ҳунарманд". Ҳужжатли фильм.
23.35 "Мўъжаз Ватан".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино. "Қовун".
1.30 "Ён қўшним – жон қўшним".
2.00 Миллий кино. "Сеҳрли қалпоқча".
3.30 "Соғлом оила".
4.00 "Таҳлил ва талқин".
4.30 – 6.00 Миллий кино. "Кореялик келин".

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Story time".
8.50 "Мультипанорама".
10.10 "Bravo English!"
10.30 "Қувноқ алифбо".
11.00 "Мультипанорама".
12.20 "Болажон меҳмонхонаси".
12.50 "Болалар учун фильм".
13.30 "Билағон болажон".
14.00 "Болалар учун фильм".
17.10 "Ширинтой-кичкинтойлар".
17.30 "Китоблар мамлакатида".
17.50 "Табиатшунос болажон".
18.10 "Мультипанорама".
19.20 "Топағон болажон".
19.40 "Электрон дунё".
19.50 "Саргузаштлар ороли".
20.20 "Мультипанорама".
21.10 "Рассом болажон".
21.30 "Эртакчи болажонлар".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Аршин мол-олан". Б/ф.
7.30 Миллий кино. "Баракасини берсин".
8.50 Саргузашт фильмлар экрани. "Тирик қолиш азоби".
10.40 "История вечной любви". Ҳ/ф. Премьера.
12.40 "Тулки овчиси". Б/ф. 1-қисм.
13.45 "Тулки овчиси". Б/ф. 2-қисм.
14.50 Болалар экрани. "Жо".
16.35 "Юлдузлар айбдорми?" Б/ф. 1-қисм.
17.40 "Юлдузлар айбдорми?" Б/ф. 2-қисм.
18.45 "KINOHOUSE".
19.20 Миллий кино. "Армонли дунё".
21.05 Жаҳон киноси. "Қишлоқдаги таътил".
22.50 Миллий кино. "Тақдир эшиги".
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Золотой компас". Ҳ/ф.
1.55 "Ўз ихтиёри билан". Б/ф.
3.25 "Очкўзлик балоси". Б/ф.
4.45 – 6.00 Миллий кино. "Ганг дарёсининг қизи".

ЯКШАНБА, 3

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Аҳдга садоқат". Б/ф. 2-қисм.
8.00 "Ахборот".
8.40 "Уйимиз ҳайвонот боғи". Б/ф.
10.50 "Рамазон ҳикматлари".
11.00 "Ойдин ҳаёт". Ток-шоу.
11.45 "Кунларнинг бирида".
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
13.00 "Иқлим".
13.05 "Сирли боғ". Б/ф.
16.15 "Бу ҳам муҳим". Ток-шоу.
16.55 "Ўн олти истак". Б/ф.
18.25 "Иқлим".
18.40 "Рамазон шукуҳи".
18.45 "Рамазон туҳфаси".
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
20.05 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.40 "Заковат".
22.40 – 00.10 "Чол ва денгиз". Б/ф.
00.10 "Ўзингни англа". Ток-шоу.
1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
1.30 "Ассалом, Ўзбекистон!"
2.30 "Анонс".
2.40 "Рамазон шукуҳи".
2.45 "Рамазон туҳфаси".
3.25 "Янга". В/ф. 2-қисм.
4.00 "Таҳлилнома".
4.40 "Заковат".
5.40 – 5.55 "Кунларнинг бирида".

Ёшлар

6.00 "Ватан меҳри".
6.10 "Тубанлик". Б/ф.
7.50 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол тенгдошлари".
8.00 "Қалпоқ". Ҳажвия.
8.30 "Чинор остидаги дуэль". Б/ф.
9.40 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол солномаси".
9.45 "Omad lotto".
10.00 "Ватанпарвар".
10.40 Ўзбекистон Республикаси давлат Мустақиллигининг 25 йиллигига: "Истиқлол шукуҳи".
10.50 "Обливион". Б/ф.
12.50 "Истиқлол солномаси".
13.00 "Оналар мактаби".
13.40 "Фусункор чироқлар".
14.00 "Истиқлол шукуҳи".
14.10 "Кабелчи". Б/ф.
15.40 "Аждодлар ёди".
17.10 "Фан ва ёшлар".
17.30 "Телепорт". Б/ф.
18.50 "Телетуҳфа".
19.00 "Давр ҳафта ичида".
19.30 "Имкон-шоу".
20.20 "Қалбингда яшайман". Б/ф.
23.20 "Автопатруль".
23.40 "Соғлом ҳаёт".
00.00 "Ватанпарвар".
00.40 "Афсона ва ҳақиқат".
3.10 "Улуғбек хазинаси". В/ф.
3.50 "Биз киммиз?"
4.00 "Зар замин".
5.10 "Истиқлол тенгдошлари".
5.30 – 6.00 "Давр ҳафта ичида".

Тошкент

5.55 "Ягонасан, муқаддас Ватаним!"
6.05 "Сезонные леса". Д/ф.
6.50 "Пойтахт-эко".
7.00 "Тошкент вақти".
9.05 "Ўзгача услуб".
9.30 "Гулираъно".
13.00 "Тошкент вақти".
15.00 "Дунёдан дараклар".
15.20 "Зилзила". Б/ф.
17.30 "Poytaxt-madaniyat".
17.40 "Телемаркет".
18.00 "Poytaxt-avto".
18.15 "Обод хонадон".
18.35 "Пойтахт-культура".
18.45 "Мобиль камера".
19.00 "Тошкент вақти".
20.00 "Рангли телевизор".
20.45 "Телемаркет".
21.00 "Санамжон".
21.50 "Кинотакдим".
22.25 "Чудеса с небес". /Премьера/. Ҳ/ф.
00.20 "Профессионал".
00.45 "Мен сизга айтсам".
00.35 "Пойтахт-Hi-tech".
1.45 "Кўнгил ҳайратлари".
2.15 "Poytaxt-avto".
2.30 "Пойтахт йўлларида".
2.50 "Ҳикматли дунё". "Яқиндаги йироқлар".
3.20 "Пойтахт-эко".
3.30 "Мобильная камера".
3.40 "Пойтахт-культура".
3.55 – 5.55 "Тошкент вақти".

Спорт

6.00 "Хайрли тонг!"
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 "Болалар спорти".
6.40 Волейбол. Жаҳон лигаси.
8.00 Хабарлар.
8.15 Футзал. Осиё чемпионати ХитойТайпейи – Тожикистон.
9.40 "Эътироф".
9.50 "Шоҳсупа". Сериал.
11.10 Дзюдо. Гран При турнири.
12.20 "Қувноқ стартлар".
12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
13.00 "Қорақалпоқ спорти".
13.15 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
14.20 Футзал. Осиё чемпионати Чорак финал Эрон – Қирғизистон.
15.55 "RIO – 2016".
16.20 Теннис. Уимблдон турнири.
17.35 "Спорт сайёраси".
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Орзулар кемаси".
18.30 Талқин.
19.05 "Эътироф".
19.15 Дзюдо. Гран При турнири.
20.25 "Спорт-маркет".
20.30 Талқин.
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги олдидан: "Ўзбек спортининг зафарли одимлари".
21.35 Теннис. Уимблдон турнири.
22.50 Волейбол. Жаҳон лигаси.
00.05 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.
1.45 Универсиада – 2016 спорт ўйинлари.
2.30 Футзал. Осиё чемпионати Чорак финал Тайланд – Австралия.
4.10 "Техноспорт".
4.25 – 6.00 Оғир атлетика. Осиё чемпионати.

Маҳалла

6.00 "Ватан мадҳи".
6.05 "Нодир наволар".
6.35 "Репортёр".
7.00 "Хуш кайфият".
8.00 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
9.10 "Кўнгилдаги гаплар".
9.55 "Фотокўзгу".
10.00 Миллий кино. "Новда".
11.40 "Мисли гавҳар".
12.00 "Ихтиро".
12.25 "Фотокўзгу".
12.30 "Турфа маслаҳат".
12.50 "Юртим манзаралари".
13.00 "Хуш кайфият".
14.00 "Муҳаббат риштаси".
14.25 "Бола бошидан".
15.00 "Меҳр қолур".
15.40 "Танти қишлоқ ҳангомалари". Спектакль.
16.55 "TV анонс".
17.00 "Маҳалламиз спортчилари".
17.50 "Теран илдизлар".
18.10 "Мўъжаз Ватан".
18.30 "Йўлга чиқдик".
18.55 "TV анонс".
19.00 Миллий кино. "Тўйлар муборак".
20.00 "Фотокўзгу".
20.05 "Эзгу сўз, эзгу амал". Ток-шоу.
20.45 "7 кун нафаси".
21.00 "TV анонс".
21.05 "Маҳалламиз маликаси".
22.00 Миллий кино. "Тунги меҳмон".
23.15 "Юртим манзаралари".
23.20 "Маҳалладошлар".
23.50 "Муқаддас қадамжолар".
00.00 "Ватан мадҳи".
00.05 Миллий кино. "Келинлар қўзғолони".
1.10 "Шарқона маскан".
1.35 "Юртим манзаралари".
1.40 "Томорқа".
2.00 Миллий кино. "Тўйлар муборак".
3.00 "Икки йўл орасида".
3.30 "Қадр топган қадриятлар".
4.00 "Маҳалламиз спорти".
4.25 "Нуроний фасл".
4.45 – 6.00 "Танти қишлоқ ҳангомалари". Спектакль.

Болажон

7.00 "Салом, болажон!"
7.10 "Болажон гимнастикаси".
7.20 "Қувноқ стартлар".
7.40 "Мультипанорама".
8.30 "Топағон болажон".
8.50 "Мультипанорама".
10.20 "Болажон меҳмонхонаси".
10.50 "Мультипанорама".
13.40 "Story time".
14.00 "Болалар учун фильм".
16.40 "Боғбон болажон".
17.00 "Қизиқарли саёҳат".
17.10 "Мультипанорама".
17.30 "Билағон болажон".
18.00 "Сеҳрли қўллар".
18.10 "Мультипанорама".
19.20 "Рассом болажон".
19.40 "Мультипанорама".
20.30 "Болажонлар саҳнаси".
20.40 "Болалар учун фильм".
21.50 – 22.00 "Хайрли тун".

Кинотеатр

6.00 "Юрт мадҳи".
6.05 "Омад ҳамиша келавермайди". Б/ф.
7.20 Миллий кино. "Армонли дунё".
9.05 Саргузашт фильмлар экрани. "Легион аъзоси".
10.45 "Австралия". Ҳ/ф. Премьера. 1-қисм.
12.10 "Австралия". Б/ф. 2-қисм.
13.35 "Қалбим дурдонаси". Б/ф.
15.25 Болливуд туҳфаси. "Аёл зеҳни". Б/ф. 1-қисм.
16.35 "Аёл зеҳни". Б/ф. 2-қисм.
17.45 "Орзулар жамоаси". Б/ф.
19.15 Миллий кино. "Зумрад ва Қиммат".
20.55 Жаҳон киноси. "Рақиблар". Б/ф. 1-қисм.
22.20 "Рақиблар". Б/ф.
23.45 "Ойи". Қисқа метражли фильм.
00.00 "Юрт мадҳи".
00.05 "Выбор капитана Корелли". Ҳ/ф. Премьера.
2.15 "Пианиночи ҳақида афсона". Б/ф.
4.20 – 6.00 Миллий кино. "Алвидо".

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 июнь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 20-22, кундузи — 35-37 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29** ва **30 июнь** эрталаб Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95.
факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 655

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
10042 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 00.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 4 5